

# **Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб аниқланди**



Бугун мамлакатимизнинг барча худудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловининг туман (шаҳар) босқичи ўtkазилмоқда.

Танловнинг Термиз туман босқичи 1-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Унда тумандаги 14 та умумтаълим мактабларининг 7-8-9 синфларидан саралаб олинган 5 нафардан жами 70 нафар ўқувчилар ўз иқтидорларини синовдан ўтказишиди.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўринни 12-сонли ИДУМ ўқувчилари, 2-ўрин 10-сонли умумтаълим мактаби ҳамда 3-ўрин 5-сонли умумтаълим мактабининг билимдон ўқувчиларига насиб этди.

Эслатиб ўтамиз, туман (шаҳар) босқичида умумий натижаларга кўра энг юқори балл тўплаган таълим муассасалари танловнинг кейинги босқич (вилоят босқичи)га йўлланмани қўлга киритишади.